Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XDP O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2011-yil, 14-aprel. Payshanba • 46 (31.322) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш пойдеворидир.



Ўзбекистон автомобилларининг янги авлоди «SPARK»ка жаҳон бозорида талаб катта.



Мусиқа миллатни бир мақсад йўлида бирлаштиради.



2011 йилда мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

## Инновациялар — замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш омили

*Тошкентда 13 апрель куни Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси бошланди*

Анъанага айланган ушбу инновациялар ярмаркаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ўтган йиллардаги каби вазирликлар, идоралар, банклар, миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда илмий, жумладан инновацион фаолият давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қувватлаши самарасида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бу борада давлат грантлари, шунингдек, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш тизими ташкил этилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда.

Аввалги уч ярмарка давомида умумий қиймати 41 миллиард сўмлик илмий ва техник ишланмаларни жорий этиш тўғрисида жами 1196 шартнома имзоланган эди. Уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда: биринчи ярмаркада олимлар ва хўжалик юритувчилар 292 шартнома имзолаган бўлса, ўтган йилги ярмаркада 456 шартнома тузилди.

Бу галги тўртинчи ярмаркада олти юзга яқин истиқболли технология, лойиҳа ва инновацион ғоялар намойиш этилмоқда. Улардан 471таси янги ишланмалар бўлиб, 91таси эса аввалги ярмаркаларда намойиш этилган, ҳозирча жорий қилинмаган, лекин катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ишланмалардир.

Ярмарканинг биринчи кунида янги технологияларни сотиб олиш ва жорий қилиш тўғрисида юзга яқин шартнома имзоланди. Масалан, «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик бирлашмаси ва Тошкент давлат техника университети ўртасида жами қиймати 115 миллион сўмлик тўртта ишланмани ўзлаштириш тўғрисида шартномалар тузилди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси ҳақидаги таҳлилий мақола билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.*

### ЎзХДП маҳаллий кенгашларида







Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

## Изчил ҳамкорлик

*фаолиятимиз самарадорлигини оширади*

Президентимиз илгари сурган Концепция ЎзХДП ташкилотларида чуқур ўрганилиб, электорат орасида кенг тарғиб этилмоқда. Тошкент шаҳар партия кенгашининг пленумида ҳам Концепция ғоялари ва қонунчилик ташаббуслари, уларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада белгиланган вазифалар ижроси, бунда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари иштироки масаласи кўриб чиқилди.

Пленумда Концепция асосида белгиланган Ҳаракат дастури ижроси юзасидан атрофлича фикр юритилди.

— Концепция ғояларини амалга ошириш демократик янгиланиш жараёнининг навбатдаги босқичини белгиловчи муҳим омил бўлади, — **деди шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шоймкулов.** — Бу, ўз навбатида, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилган ислоҳотларнинг узвий давомидир. Шу боис, Концепцияни чуқур ўрганиш, унда билдирилган таклифларни ҳаётга татбиқ қилиш, бу жараёнда муносиб иштирок этиш партиямиз фаоллари ва депутатлардан жиддий масъулият талаб этади.

— Ўтган пленумда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлиги танқидий баҳоланган, ишни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган эди, — **деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Турсунбоев.** — Шундан келиб чиқиб, жойларда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга, қонунларнинг мазмун-моҳияти ва ҳаётимиздаги аҳамияти ҳамда ижросини кучайтириш бўйича қатор давра суҳбатлари уюштирилди. Туман партия кенгашлари тадбирларида биз ҳам иштирок этиб, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдираяпмиз. Аммо ҳамкорлигимизни янада кучайтиришимиз лозим, деб ўйлайман.

— Партиямиз сафидаги ёшлар Концепция ғоялари мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиши керак, — **деди «Истиқбол» ёшлар қаноти Чилонзор туман бўлими етакчиси Адиба Аҳмеджонова.** — Қанотимизга бирлашган ёшлар билан бу борада режа асосида ишлаб, тарғибот жараёнида ҳаётий мисоллар ҳамда замонавий таъсирчан технологиялардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Лекин ишимиз самарасини ошириш учун ёшлар орасида ташкил қилинаётган тадбирларга Концепция ғояларини кенг изоҳлаб берадиган тажрибали мутахассисларни кенгроқ жалб этишимиз керак.

Пленум кун тартибидаги бошқа муҳим масалалар бўйича шаҳар Кенгаши депутатлари Жасур Қулмуҳаммедов, Сергей Ким, Яккасарой туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нурмуҳаммад Қаршиев ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, пленумда шаҳар партия кенгаши Ижроия қўмитаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳининг ўтган йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Дўстона ёрдамингиз учун сиздан миннатдормиз

Японияда мисли кўрилмаган зилзила юз берганидан буён бир ой ўтди. Табиий офат оқибатида кўплаб одам ҳалок бўлди, 150 мингдан ортиқ киши ҳалигача вақтинчалик яшаш жойларида кун кечирмоқда.

Ер силкиниши оқибатида цунами юзага келиб, ўз йўлидаги барча нарсани ювиб кетди ва ушбу ҳудудлар аҳолиси ичимлик суви, электр энергияси, озиқ-овқатсиз қолди. Алоқа издан чиқиб, одамлар бир-бирининг тақдиридан бехабар қолди. Ана шундай мураккаб шароитда хорижий мамлакатлар кўрсатган ёрдам бизга катта далда бўлди.

Бир коса иссиқ овқат, кўрпа-тўшак оғир шароитда қолган инсонларнинг дилига малҳам бўлди, вужудига илиқлик бағишлади. Қидирув-қутқарув отрядлари вайронага айланган шаҳарларда катта куч-ғайрат билан одамларни қидириш ва қутқариш ишларини олиб борди. Шифокорлар гуруҳларининг жонбозлиги жабр чекканларнинг қалби ва вужудига малҳам бўлди.

Ҳозир ҳам табиий офатдан азият чекканларга бутун дунёдан далда ва эзгу тилаклар келиб турибди. Биз жаҳондаги барча инсонларга Кидзуна — халқимизга дўстона муносабати ва кўрсатган ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдирамиз. Бизга ёрдам қўлини чўзган барча мамлакатлар ва минтақалар аҳолисига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Японияда тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Биз барча кучларни сафарбар этган ҳолда «Фукусима-1» атом электр станциясидаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ишларни давом эттирмоқдамиз. Япония албатта оёққа туради, тикланади, янада кучлироқ давлатга айланади. Биз халқимизнинг салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятнинг ёрдами билан бунга албатта эришамиз. Бизга ёрдам кўрсатган дунёдаги барча одамларга миннатдорлигимизни билдирамиз.

Бу йўлда халқимиз янада бирдам ва ҳамжиҳат бўлиб, бутун кучини мамлакатимизни тиклашга сафарбар этади.

Барчага яна бир бор самимий миннатдорлик ва қатъий ишонч туйғулари билан чин юракдан ташаккуримни изҳор этаман.

**Наото КАН,**
**Япония Бош вазири**

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Иқтисодий асослар мустаҳкамлиги

*оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг муҳим шартидир*



**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.*

Глобаллашув шароити, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда ахборот сиёсати жамият тараққиётини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда ахборот соҳасидаги ислоҳотлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда демократик ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди.

⇨ 2

### Глобал экологик муаммо

## Роғун ГЭСи қурилиши



минтақа халқлари учун катта хавф-хатар туғдиради, Орол инқирозини янада тезлаштиради, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади, глобал экологик муаммоларнинг янада чуқурлашишига олиб келади, Марказий Осиё давлатларидаги тинч-тотув ҳаётга рахна солади

⇨ 3

### Эътироф

**Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман. Чунки бу ажиб диёрнинг асрлар мобайнида сайқалланган бетакрор анъаналари ва қадриятларини ниҳоятда эъзозлайман. Менга гўзал ва бетакрор, замонавий пойтахтингиз, айниқса, Тошкент метроси ўзининг озодалиги, йўловчилар учун ғоят қулайлиги ва кўркамлиги билан ёқади. Кўп давлатларда бўлганман. Лекин ҳеч бир ерда бундай ораста ер ости транспорт воситасини кўрмаганман. Ўзбекистон ёшларининг кексаларга ҳурмати мени жуда қувонтиради».**

**Клеменс МАЗО хоним,**
**(Франция)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 12 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1780,77 | 1 Миср фунти | 282,73 | 1 СДР | 2685,65 | 10 Жанубий Корея вони | 15,55 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2759,94 | 1 Канада доллари | 1765,26 | 1 Туркия лираси | 1116,82 | 10 Япония иенаси | 199,15 |
| 1 БАА дирҳами | 459,15 | 1 Хитой юани | 257,98 | 1 Швейцария франки | 1859,07 | 1 Россия рубли | 59,96 |
| 1 АҚШ доллари | 1686,18 | 1 Малайзия ринггити | 558,52 | 1 Евро | 2406,52 | 1 Украина гривнаси | 211,71 |

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## КОНЦЕПЦИЯ

**Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.**

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

# Иқтисодий асослар мустаҳкамлиги

### *оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг муҳим шартидир*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Ҳозир мамлакатимизда 700 дан ортиқ мустақил босма оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётгани, 53 фоиз теле ва 86 фоиз радиоканаллар нодавлат тармоқ улушига тўғри келиши, кейинги ўн йилда нодавлат ОАВ сони 10 баробар ошгани ҳам соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий самарасидир.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотлар стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Президентимиз «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу масалага алоҳида эътибор қаратди. **«Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабат ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз».**

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат сўз эркинлиги тамойиллари ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган.

Тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ахборот соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун зарур қонуний меъёрларни белгилаб берди. Янги босқич ахборот соҳасини либераллаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, жамият ҳаётида ОАВ мавқеини кучайтиришга қаратилган. Шунга мос ва мувофиқ ҳуқуқий механизмларни яратиш давр талабига айланди.

Бундай шароитда иқтисодий эркин ва молиявий мустақил оммавий ахборот воситасигина ўз қатъий позициясини сақлаб қолади. Чунки у иш самарадорлигига таянади, шу боис моддий-техник базасини муттасил модернизациялаш ва бозор механизмларини жорий этишга эътибор қилади.

Шу сабабли Президентимиз Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Буни амалга ошириш учун «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» қонунлар қабул қилишни таклиф этди.

***Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўзда тутади. Бу эса ўз навбатида, ахборот маконида соғлом рақобатни янада ривожлантириш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этиш учун йўл очади. Шу билан бирга, ОАВ фаолияти самарадорлигининг ошиши, уларнинг мулкка эгалик ҳуқуқи субъекти сифатида иш юритишини таъминлайди.***

Авваламбор, қонунда оммавий ахборот воситаси таъсисчиси ва мулкдорининг ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш даркор. Яъни, соҳа мулкдори деганда, қонун меъёрларида оммавий ахборот воситасининг Низом жамғармасини шакллантирувчи ёхуд молиялаштирувчи муассиси тушунилади. Шунинг учун мулкдорнинг мажбуриятлари ҳам белгиланиши назарда тутилмоқда. Мулкдорнинг таҳририятни молиялаштириш миқдори унинг ўзини ўзи таъминлаш даражасида бўлиши, олинган даромад биринчи навбатда ходимларни моддий рағбатлантириш, таҳририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бозор рақобати шароитида оммавий ахборот воситасининг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш учун сарфланиши лозим.

**Халқ демократик партияси қонунда мулкдорнинг ҳуқуқлари белгиланаётганда реклама берувчилар ва ҳомийлар томонидан ОАВ фаолиятига аралашиш, тазйиқ ўтказишни тақиқловчи махсус меъёрларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бинобарин, матбуот эркинлигининг энг асосий кафолати унинг мустақил фаолият кўрсатиши ва ривожланишидир. Фақат шундагина ОАВ фуқаролик жамияти ривожида ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин.**

Энг муҳим тамойилларни амалга ошириш мақсадида қонун лойиҳасида ОАВ низом жамғармасининг рухсат этилган минимал миқдорини аниқлаш, таҳририят фаолиятини молиялаштириш манбалари ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш механизмларини қонуний жиҳатдан акс эттириш белгилаб қўйилиши режалаштирилмоқда.

Қонунлар лойиҳаларида миллий ахборот маконини ривожлантириб боришга қаратилган иқтисодий, молиявий имтиёзлар ва преференциялар тизимини, жумладан, солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича имтиёзлар тизимини яратишнинг ҳуқуқий меъёрлари ўз аксини топиши мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий буюртмасини шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни мақсадли молиялаштириш, оммавий ахборот воситаларига давлат томонидан субсидиялар, манзилли дотациялар ва грантлар ажратиш, ижара бўйича имтиёзлар бериш каби масалаларни қонуний тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.**

Партиямиз ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шундай экан, бизнингча, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаётганда журналистларни ва ОАВ ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш механизмларини белгиловчи меъёрлар албатта киритилиши, шу меъёрларнинг ишлаш механизми яратилиши керак. Чунки, ахборот майдонида юқори рақобатни таъминлаш учун ОАВ ижодий ва техник ходимларига меҳнатга яраша ҳақ тўлаш ва уларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш зарур.

Концепцияда миллий матбуотимизни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш вазифаси қўйилган. Демак, соҳа ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ҳамда эркинлигини амалда таъминлаш, шунингдек, уларнинг масъулиятини ошириш ҳар биримизнинг вазифамиздир.



# Амалий иш бўлса

### *камчиликлар барҳам топади*

Президентимиз илгари сурган Концепциядаги ғоя ва қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳамкорлигини янада юксалтириш имконини беради, ўткир ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш асосларини мустаҳкамлайди.

Шиддат билан ўзгараётган давр, мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар сиёсий партиялар олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўймоқда. Ўзгаришлар мазмун-моҳиятини теран англаш, шунга мос фикрлаш, айни пайтда, уларнинг моҳиятини таъсирчан усулда тарғиб қилиш аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ғоят муҳим.

Сирдарё вилоят партия кенгашининг навбатдаги пленумида шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. **Кенгаш раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов** вилоят партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳининг 2010 йил ва жорий йилнинг ўтган уч ойидаги фаолияти бўйича ахборот берди. Ҳудудий ижтимий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳларининг амалий ташаббусларини кўпайтириш масаласига тўхталди.

Таъкидландики, партия ташкилотлари ва депутатлар мавжуд имкониятдан самарали фойдаланмаяпти. Хусусан, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар таҳлил этилмаяпти. Айрим ҳолларда аҳолини қийнаётган муаммолар эътибордан четда қолаяпти. Ваҳоланки, жойлардаги хато ва камчиликлар, уларнинг сабабларини ўрганишда Жамоатчилик қабулхоналарининг имконияти катта. Шу боис, аҳоли мурожаатларида акс этган муаммоларни ижобий ҳал қилиш, бу жараёнда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

Вилоятда партиянинг 331та бошланғич ташкилоти мавжуд. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига 15 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 135 нафар депутат ЎзХДПдан сайланган. Бу катта куч, албатта. Агар бошланғич ташкилотлар, партия кенгашлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар жипс бўлса, бир-бирини қўллаб-қувватласа, дадил ҳаракат қилса, электоратни ўйлантираётган масалалар ижобий ечим топишига салмоқли улуш қўшиши мумкин.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеи элекорат манфаатини кўзлаб қилган амалий ишлари билан ўлчанади. Депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама этилаётган барча масала ҳудудлардаги шарт-шароитни яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишидан келиб чиқиши даркор. Шунда маҳаллий Кенгашлар сессияларида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслар кўпаяди, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг сабаблари ойдинлашади, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида амалий тушунча шаклланади. Партия фаоллари ва депутатлар бу масалаларда муайян ишларни амалга ошираётган бўлса-да, масъул идораларга кўтариб чиқиш ва ижобий натижаларга эришиш учун ташаббус ва қатъийлик етишмаяпти.

**Исматилла ИСОҚОВ,**
***Янгиер шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш доимий эътиборимизда. Таҳлилларга кўра, коллежларда тайёрланаётган мутахассисликлар ҳудудлардаги умумий эҳтиёж билан бир хил эмас. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳамда халқ хўжалигида юзага келаётган талаб ва эҳтиёжни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, касб-ҳунар тайёрлаш йўналишларига ўзгартиш киритиш зарур. Мутахассис тайёрлашда шунга эътибор қилинса, битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи бирмунча осон ҳал бўлади.

**Рустам ҚОДИРОВ,**
***Сирдарё туманидаги «Рустам» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:***

— Туманимизда томорқа хўжаликларида иссиқхоналар қуриш кенг ривожланаяпти. Ҳудуднинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёжини қишин-ёзин қондиришда иссиқхоналарнинг аҳамияти беқиёс. Уларнинг кўпайиши, айни вақтда, аҳоли даромадлари ошишига, турмуш фаровонлиги ортишига хизмат қилади. Шу боис, иссиқхоналарда мўътадил иқлимни сақлаш, қиш ойларида иситиш тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида муқобил ва тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш учун ташаббус кўрсатиш зарур. Бу борада туман партия кенгаши ва депутатлар, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг фикрини ўрганиб, тегишли идораларга аниқ таклиф билан чиқиши керак.

Пленумда, шунингдек, Ширин шаҳар партия кенгаши раиси Саид Ёрибеков, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими етакчиси Мурод Ҳайитов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Саттор Раҳматов, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов кун тартибидаги масалалар бўйича фикр-мулоҳаза ва тавсиялар билдирди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Жанглиш ҲАСАНОВА**

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

### *иқтисодиётимизни ривожлантириш баробарида қатор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳам хизмат қилади*



**Маҳмуд ТОИРОВ,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири.*

Кўп асрлик тарихимизда ота-боболаримиз ҳунармандчилик, косибчилик, савдо-сотиқ, замонавий тил билан айтганда, кичик бизнес билан шуғулланиб келишган. Иқтисодий тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақисиз бозор иқтисодиётини шакллантириб бўлмайди.

Шу сабабли ҳам Президентимиз бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакат мустақил ривожланишининг бошланғич босқичида, яъни 1991-2000 йилларда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти шаклланиши учун шарт-шароит, авваламбор, қонунчилик асосини яратишга қаратилган эди.

Кейинги босқичда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу, нафақат иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишга, балки ислоҳотларнинг изчиллигини кафолатлади.

Шунинг билан бирга, давлатимиз раҳбари мамлакат иқтисодиётида кичик бизнеснинг, жумладан, хусусий тадбиркорликнинг мавқеини янада кучайтирадиган қонунлар қабул қилиш долзарб эканига эътибор қаратди. Эркин бозор иқтисодиёти барпо этиш жараёнини қувватлантирадиган янги қонунлар қабул қилиш таклифини илгари сурди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» қонун қабул қилиш муҳим аҳамиятга молик эканини таъкидлади. Унда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат бериш тартибининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаш ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан тақиқлаш лозимлиги уқтирилди.

2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши ҳам шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳунармандчилик, касаначилик, бизнес билан шуғулланиш халқимизнинг қонида бор. Деярли ҳар бир хонадонда ҳунарманд топилади. Аммо кўп жойларда кишилар уйда норасмий ҳунар билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат билан оила тебратмоқда. Бунинг натижасида ижтимоий ҳимоя, кексайганда пенсияга чиқиш билан боғлиқ қатор муаммолар туғилиши табиий. Президентимиз таклиф этган қонун айнан шу муаммоларни бартараф этади.

Барчага маълумки, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган кишилар, айниқса, ёшлар жуда кўп. Аммо улар иш бошлашда қийинчиликка, айрим жойларда сунъий тўсиқларга дуч келади. Шу сабабли давлат рўйхатидан ўтиб қонуний тарзда тадбиркорлик билан шуғулланишни ҳамма ҳам хоҳламайди. Тинчгина уй меҳнатини давом эттиришни истайди. Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг таклифи ўткир ижтимоий муаммони ҳал этишга қаратилган.

Белгиланган бу вазифаларни бажаришда, айниқса, партия ташкилотлари, турли даражадаги депутатлар фаол иштирок этиши зарур. Чунки, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар ўрта синфга кириши, янги иш ўринлари кўпайиб, аҳолининг барқарор даромади ошиши, ўткир ижтимоий масалаларни ҳал этиш имкони кенгайишидан биринчи навбатда партиямиз электорати манфаатдордир.

Бугунги кунда партиямиз аъзоси бўлган 17 мингга яқин киши тадбиркорлик, касаначилик ва оилавий бизнес билан шуғулланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш масаласига йил бошида бўлиб ўтган партия маҳаллий кенгашлари пленумларида ҳам эътибор қаратилди.

Марказий Кенгашнинг III пленумида қабул қилинган 2011-2014 йилларга доир Ҳаракат дастури айнан шу йўналишдаги вазифаларни бажаришда ЎзХДП ташкилотлари иштирокини кучайтиришга қаратилган. Унда, жумладан, партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари кучини минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши комплекс дастурларини амалга оширишга йўналтириш кераклиги таъкидланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам қатор қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди.

**«Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди»**, дея таъкидлаган эди Президентимиз. Давлатимиз раҳбари бошчилигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб, бу соҳа иқтисодиётимиз локомотивига айланишига шубҳа йўқ. Буларнинг барчаси провардида халқ ҳаёти янада фаровон бўлишига, келажак авлод бахтсаодатига хизмат қилади.

# РОҒУН ГЭСи ҚУРИЛИШИ

**минтақа халқлари учун катта хавф-хатар туғдиради, Орол инқирозини янада тезлаштиради, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади, глобал экологик муаммоларнинг янада чуқурлашишига олиб келади, Марказий Осиё давлатларидаги тинч-тотув ҳаётга рахна солади...**

*XXI асрга келиб, экологик хавфсизлик масаласи мамлакат ва минтақалар ҳудудидан ўтиб, бутун башариятнинг умумий дардига, қисматига айланиб улгурди. Табиат қонуниятларига амал қилмаслик, уни ўз манфаатларига кўр-кўрона бўйсундириш охир-оқибат мудҳиш оқибатларни келтириб чиқарди.*

*Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бу ҳақда жаҳон ҳамжамиятини огоҳлантирган эди.*

*Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистонга собиқ иттифоқдан жуда катта экологик муаммолар мерос бўлиб қолди. Биргина Орол фожиаси оғир ва мудҳиш оқибатлари билан ҳозирги кундаги энг йирик экологик муаммодир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бошлаб Президентимиз Орол фожиасига бутун дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиб келмоқда. «Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим».*

*Давлатимиз раҳбари БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.*

*Бугун Марказий Осиё минтақасида яна бир хавф-хатар пайдо бўлди. Бу — Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи муаммосидир.*

*Инсоният табиат қаршисида ожиз эканини, баъзида ўз қўлимиз билан ўзимизга чоҳ қазиётганимизни бутун дунёни ларзага солган Япония зилзиласи яна бир марта англатди.*




**Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида бир гуруҳ тожик зиёлилари Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришга қарши чиқишган, норозилик намойишларида «Аждодларимизнинг қабрлари сув остида қоладими? Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак!» деган фикрни илгари суришган эди.**



**Эрназар МАҲМУДОВ, ЎзРФА Сув муаммолари институти директори, техника фанлари доктори, профессор:**

— Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСининг кўзда тутилаётган режимда ишлаши Амударё қуйи қисмида яшаётган кўп миллионли аҳоли турмушининг ёмонлашувига олиб келади. Дарё сувининг табиий оқим ҳолатини кескин ўзгариши, вегетация даврида сув танқислигини кучайтириб юборади. Ҳисоб-китобларга кўра, бундан қишлоқ хўжалиги ва экологияда кўриладиган зарар 5 йилда қарийб 20,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Амударё асосан апрель-август ойларида тўлиб оқади. Ўзбекистоннинг Амударё сувини бошқарадиган тўғони йўқ. Қарши магистрал каналидаги насосларга эса ҳар йили миллиард-миллиард сўм маблағ сарфлашга мажбур бўлаяпмиз. Амударёда сув сатҳи баланд бўлса, сув чиқиши осон кечади. Паст бўлганида эса сув чиқариш янада қийинлашади. Қишлоқ хўжалиги экинларига айни сув зарур бўлган июнь ойига бориб, сув сатҳи тушиб кетади.

Минг афсуски, Роғун ГЭСидан кўзланган асосий мақсад электр энергиясини четга сотишдир. Бунда минтақадаги бошқа халқлар манфаатларига зид равишда Тожикистон томони фақат ўз фойдасини ўйламоқда.

Амударёнинг қуйи оқими теварак-атроф муҳитидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сувнинг табиий таркибидаги қум ва лойқага мослашган. Бу жойдаги экологик тизим шу асосда шаклланган. Тўғон дарёдаги ушбу табиий мувозанатни бузилишига олиб келади. Дарёдаги тўғонлардан оқиб ўтган сувнинг энергияси шу даражада тезки, у дарё ўзанини емириб кетаверади. Бу ҳам катта хавф-хатар деганидир. Токи сув лойқага тўйинмагунча, дарё бўйи ва унда жойлашган иншоотларга зарар етказаверади.

Маълумки, Туркманистон Амударёнинг анча ётиқ бўлган чап қирғоғида жойлашган. Шунинг учун ҳам уларга сув чиқиши бизга қараганда анча қулай.

Амударё сувининг 23-24 фоизи музлик, қолгани эса қор, ёмғир ҳисобидан шаклланади. Бугун эса глобал исиш натижасида тоғлардаги музликларнинг эриши 30 фоизга тезлашган. Сув иншооти қанчалик юқорида қурилса, иқлимга кўрсатадиган салбий таъсири ҳам шунча катталашади. Бу эса муз ва қорнинг эришини сунъий равишда тезлаштиради. Илгари қор июнь ойи охирларигача эриган бўлса, бу ҳолат ҳозир апрель ўрталаридаёқ кузатилмоқда. Агар Роғун ГЭСи қурилса, аҳвол янада мураккаблашади. Ушбу назария фанда аллақачон исботланган. Тоғнинг юқори қисмидаги сув омборидан ажралиб чиқадиган энергия ҳавонинг исиши, оқибатда қор ва музнинг тез эришига олиб келади.

Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасида халқаро тажрибалар бор. Масалан, Рейн дарёси Италиядан бошланиб, Франция, Германия, Голландия орқали Шимолий денгизга қуйилади. Бугунги кунда дарёнинг қуйи оқимида жойлашган Голландия ҳудудида, дарёнинг денгизга қуйилиш жойида лойқа тўпланади. Бунинг натижасида Голландияда тез-тез сув тошқинлари юз бериб туради. Бу эса мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказмоқда. Ҳозир Рейн дарёсидан фойдаланаётган давлатлар ҳамкорликда Голландия ҳудудидаги тошқинлар муаммосини ҳал этишга киришган.

Яна бир мисол. Испанияда шаклланадиган Тахо дарёси Португалиядан ўтиб, Атлантика океанига қуйилади. Юз йиллар давомида бу икки давлат ўртасида ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган. Бунга сабаб Испания давлати тоғли ҳудудларда гидроиншоотлар қурган. Натижада Португалия иқтисодий нуқтаи назардан анча қолоқлашган. Ушбу давлатлар Европа Иттифоқига аъзо бўлаётганда Испаниянинг олдига тоғ ҳудудида барпо этилаётган иккита йирик ГЭС қурилишини тўхтатиш шарти қўйилган. Испания томони ушбу талабга амал қилиб, гидроиншоотлар қурилишини умуман тўхтатган.

Европа Иттифоқи бугун Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув манбаларидан фойдаланиш борасида прагматик ёндашув тарафдори бўлиб, манфаатдор томонларнинг сув ва энергетика масалаларида ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилиш бўйича экологик мувозанатни сақлаш ҳамда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланишга доир барқарор ва ошкора механизмларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватламоқда.

Марказий Осиё давлатлари ҳам бир тану бир жонга ўхшайди. Тақдир минтақа халқларини ҳар томонлама бир-бирига боғлаган. Айниқса, ўзбек ва тожик халқининг дўстлиги асрлар синовидан ўтган. Менимча, Роғун муаммосини ҳал этишда ҳам учинчи томоннинг аралашувига чек қўйиб, ақл билан иш тутиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади.



**Улфат НУРМАТОВ, ЎзРФА Сейсмология институти лаборатория мудири, физика математика фанлари номзоди:**

— Сўнгги 110 йилда Марказий Осиё ҳудудида 20 дан ортиқ кучли зилзила қайд этилган. Буларнинг 6 таси айнан Роғун жойлашган зонада юз берган. Марказий Осиёнинг энг йирик Помир ва Тянь Шан тоғлари туташган бу жойда катта ёриқлар мавжуд. Минг афсуски, бугун айнан Вахш ёриғида Роғун ГЭСи қуриляпти. Шу пайтгача бу ерда кузатилган зилзилаларнинг кучи 9 баллдан юқори бўлган. Таққослаш учун, яқинда содир бўлган Япониядаги ер силкиниши 8,9 баллни ташкил этганини таъкидлаш керак.

Қирғизистонлик олимларнинг маълумотларига кўра, яқин тарихда Тянь Шан ва Помир тоғларига туташган ҳудудда 10-11 баллик зилзилалар ҳам рўй берган. Бугунги кундаги илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кейинги зилзилалар олдингиларининг давомида ёки оралиғида содир бўлади. Масалан, Қоратоғ ва Хайт зилзилаларининг ўртасида ҳали кучли зилзила кузатилгани йўқ. Бу ерларда ҳам қаттиқ ер силкиниши бўлиши эҳтимоли жуда юқори.

XX аср бошида бутун дунёда сейсмик фаоллик ошди. Бу эса юқорида айтганимиздек, кучли зилзилалар содир бўлиши эҳтимоли кучайди, деганидир. Айни пайтда ер юзасида сейсмик камарлар мавжуд бўлиб, бизнинг ҳудуд ҳам айнан шундай камарда жойлашган. Суматра зилзиласидан кейин бу камардан энергия ажралиб чиқиши сезиларли ошди. Тожик олимларининг маълумотига кўра, бу ҳудуднинг сейсмик ҳолати рихтер шкаласи бўйича 8 балл деб баҳоланган. Россиялик олимларнинг сейсмик харитасида бу ҳудудда 10 баллик зилзилалар юз бериши қайд этилган. Бизнингча, сейсмик ҳолат 10-11 балл даражасидадир.

Яқинда Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам тўққиз баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Бу зилзилалар 100 мингдан зиёд одамларнинг ҳаётига зомин бўлган. Академикнинг таъкидлашича, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкин. Биздаги зилзила ўчоқларининг харитаси ҳам ушбу маълумотни тасдиқлайди.



**Машариф БАКИЕВ, Тошкент ирригация ва мелиорация институти гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор:**

— Тожикистонда гидроэнергетика захиралари жуда катта, аммо улар бу захиранинг атиги 5 фоизидан фойдаланишмоқда. Агар қўшни давлат ўз эҳтиёжи даражасида электр энергияси ишлаб чиқарса, бу ён-атрофдаги мамлакатлар учун ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Роғун ГЭСи қурилишидан кўзланаётган мақсад минтақа халқларига Аллоҳ томонидан бирдай инъом қилинган обиҳаётни бўғиб, ундан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир.

Амударё 30 фоиз сувни Вахшдан олади. Агар жуда катта ҳажмдаги бу сув тўғон орқали тўсилса, Амударёнинг қуйи оқимида муаммолар пайдо бўлади. Дунё тажрибасида ҳали кузатилмаган 335 метрлик тўғон кўтарилиши нафақат бизни, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам ташвишга солиши керак. Роғун ГЭСи лойиҳаси бундан 40 йил олдин собиқ иттифоқ даврида тайёрланган ва ирригация режимида ишлаши кўзда тутилган. Бундай дейишга асослар етарли. Чунки бу сув омборини босқичма-босқич тўлдиришга 8 йил керак бўлади. Бу вақт ичида дарё сувига кўз тикиб турган минтақа аҳолисининг аҳволи нима кечади?

Бугун сув ресурсларининг энергетик режимда ишлаши натижасида биз қўшимча сув омборлари қуришга мажбур бўляпмиз. Аслида дарёдаги сув меъёрида оқса, бундай сув омборларига зарурат бўлмайди. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Сув омборларининг қурилиши ўша ҳудуддаги сейсмик фаолликни янада ошириши исботланган. Бунинг натижасида фалокатлар юз берган.

Агар Роғун қуриладиган бўлса, ҳудуднинг сейсмикаси ҳам, унинг такрорланиш частотаси ҳам ўз-ўзидан ошади. Бу эса яна зилзилаларга олиб келади. Тўғри, бизда цунами хавфи йўқ. Лекин гидроиншоот бузилиши натижасида ҳосил бўладиган тўлқин ундан-да хавфлироқ. Мабодо тўғон ўпирилгудек бўлса, бошланғич нуқтада сув тўлқинининг баландлиги 250 метрдан ошади, Роғун ГЭСидан 1,5 минг километр узоқда жойлашган Қорақалпоғистонда эса 6-7 метрга етади. Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва мамлакатимиз ҳудудидаги 1,5 миллион гектар майдон, 700 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолади. Минг афсуски, Роғун ГЭСининг ҳозирги лойиҳасида булардан кўз юмиляпти. Мабодо фалокат юз берса, ундан қутилишга одамзот ожиздир.

Бундан ташқари, яна бир муҳим жиҳат бор.

**Роғун ГЭСининг пойдевор қисми қурилганига ҳам бир неча ўн йиллар бўлди. Ҳозир эса қурилиш ишлари айнан ўша пойдевор устида давом эттириляпти. Гидроиншоотнинг пастки қисми тикланганига салкам 40 йил бўлганини ҳисобга олсак, бу ерда зичланиш юз бергани аниқ. Бу иккита алоҳида қисмлар эртага бир-бирига боғланадими? Тожикистон раҳбарияти эса ушбу ямоқ иншоотнинг хавфсизлик даражасини минтақада жойлашган давлатлар аҳолисига исбот қилиб бериши керак.**

Тўғон қуриладиган жойдан беш юз метр юқорида 2 км қалинликда туз бор. Эртага бу туз сув омбори таъсирида қандай эрийди, қандай оқибатларга олиб келади? Лойиҳада ушбу жиҳат на назарий, на техник жиҳатдан асосланган.

Бир неча йил аввал Голландияда африкалик талаба йигитнинг магистрлик иши ҳимоясида иштирок этгандим. Унда сув унсури, яъни трансчегаравий дарёлар муаммоси ва ундан ўзгалар манфаатини ўйламай фойдаланиш давлатлар ўртасида ўзаро низоларга олиб келиши асосланганди.

Роғун ГЭСи қурилиши юзасидан халқаро экспертиза ўтказилиши зарурлиги ҳақида кўп гапириляпти. Яқинда хизмат сафари билан Россияга борганимда, у ердаги ҳамкасбларимизнинг ҳам фикри шундай эканига гувоҳ бўлдим.

Ҳозир Тожикистон раҳбарияти Роғун қурилаётган Вахш дарёсини трансчегаравий дарё эмас, деб даъво қилишмоқда. Бу ҳам мантиқсиз. Гидрологлар дарёларга ҳавза нуқтаи назари билан қарашади. Амударё Панж ва Вахш дарёларининг қуйилиши натижасида шаклланади. Демак, ҳар икки дарё ҳам трансчегаравий дарёлар ҳисобланади.



**Фазлиддин ҲИКМАТОВ, Ўзбекистон Миллий университети, қуруқлик гидрологияси кафедраси мудири, профессор:**

— Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида бир гуруҳ тожик зиёлилари Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришга қарши чиқишган норозилик намойишларида «Аждодларимизнинг қабрлари сув остида қоладими? Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак!» деган фикрни илгари суришган эди.

Роғун ГЭСига навбатдаги зарба табиат томонидан берилди. Вахш дарёсида 1993 йил 7 майдан 8 майга ўтар кечаси кузатилган кучли тошқин натижасида ГЭСнинг 40 метр баландликдаги тўғони ўпирилиб тушди.

Роғун ГЭСи қурилиши Орол денгизи ҳалокати оқибатида минтақамизда юзага келган оғир экологик вазиятга янада жиддий зарар етказади. Устига-устак мутахассисларнинг фикрича, Роғун сув омборининг ўзи ҳам кучли зилзилани келтириб чиқаради. Бунга «Мир новости» газетасининг 2009 йил 18 февраль сонида босилган мақола мисол бўла олади. Унда ёзилишича, Хитой ва АҚШ олимлари 2008 йилда Сичуань ҳудудида юз берган ва 80 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган даҳшатли зилзилани мазкур ҳудудда 4 йил муқаддам барпо этилган сув омбори туфайли юзага келганини илмий асослашган.

Бугун Норак ГЭСининг ўзида 10 миллиард кубометрдан ошиқ сув йиғилган. Ундан сал юқорида эса 14 миллиард кубометр сув бор. Бу табиий ҳолатни бузилишига олиб келади ва ер сирти қобиғига ортиқча оғирлик ташлайди. Натижада ҳудудда сейсмик фаоллик бир неча баравар ошади. Бундан ташқари, тоғли ҳудуд ҳисобланадиган Норак ёки Роғун қирғоқларидан кўчки қулаб тушмаслигига ким кафолат беради? Агар кўчки қулайдиган бўлса, у жойда Япония бошига тушган кулфат ҳеч гап бўлмай қолади.

БМТнинг трансчегаравий дарёлар учун иккита муҳим конвенцияси бор. Ўзбекистон бу конвенцияларга аъзо. Уларда қўшни давлатлар манфаатига зарар етказмаслик, дарёлардан фойдаланишда бошқалар эҳтиёжини ҳам ҳисобга олиш ва бошқа муҳим жиҳатлар таъкидланган. Лекин Марказий Осиё давлатлари ичида Тожикистон ва Қирғизистон бу конвенцияга ҳалигача аъзо бўлишгани йўқ...

Президентимиз таъбири билан айтганда, **асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир.**

**Фаррух ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

Тадбир

# «Биз — 20 ёшдамиз!»

Шу кунларда республикамизнинг барча вилоятларида «Биз — 20 ёшдамиз» акцияси бўлиб ўтаяпти. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган бу лойиҳа доирасидаги тадбирлар Бухорода ҳам ташкил этилди.

«Келажак овози» кўрик-танловининг ахборот акцияси, ёш тадбиркорлар форуми, бўш иш ўринлари ярмаркаси, хорижий тиллар бўйича танловлар, ёш журналистлар танлови, югуриш мусобақаси, «Дилемма» музокаралар клуби тақдимоти ва санъаткорлар иштирокида Истиқлол айёмига бағишланган концерт дастурлари лойиҳа тадбирларидан ўрин олди.

— Акция давомида ёшлар билим ва ўз қобилиятларини намойиш этиш билан бир қаторда «Фонд Форум»нинг лойиҳалари ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш имконига эга бўлишди, — дейди **«Келажак овози» фаоли Шермурод Бекмуродов**. — Йилдан-йилга акцияда иштирок этувчи иқтидор эгалари сафи кенгайиб бормоқда. Бу йил ҳам ёшлар сони анчага кўпайди. Сабаби, лойиҳа дастурида йигит-қизлар учун янада қизиқарли бўлган йўналишлар бўйича кўплаб тадбирлар уюштирилди.

— Менга, айниқса, акциянинг бўш иш ўринлари ярмаркаси маъқул бўлди, — дейди Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси Лазиз Неъматов. — Унда ўқув муассасалари битирувчилари ишга жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлишди. Шунингдек, тажрибали мутахассислар томонидан касб танлаш ва ишга жойлашиш масалалари бўйича ёшларга маслаҳат, кўрсатмалар берилди.

Акция доирасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан вилоятлардаги қарияларга ва кам таъминланган оилалар вакилларига хайрия тадбири ҳам бўлиб ўтади.

**Лазиза ШЕРОВА**



Умар Раҳмонқулов (ЎзА) олган сурат.

✧✧✧

**Жиззахдаги Ёшлар шаҳарчасида ҳам «Биз — 20 ёшдамиз» шиори остида ёшлар акцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 800 нафардан зиёд мустақиллик тенгдошлари иштирок этди.**

Футбол

**Махсус мухбиримиз Эркин ХОЛБОБО Ҳиндистоннинг Пуна шаҳридан хабар қилади.**

# «Демпо» — «Насаф» — 0:4

ОФК кубогининг «А» гуруҳида қатнашаётган Қаршининг «Насаф» клуби 3-тур учрашувини Ҳиндистоннинг 4 карра чемпиони «Демпо» жамоасига қарши ўтказди ва ажойиб ғалабага эришди.



Қаршиликлар олис йўл босиб Ҳиндистонга етиб келишди. Учрашув вақтида ҳарорат ҳам, намлик ҳам юқори эди. Бунинг устига ҳиндистонликлар дастлабки турда ўз майдонида «Ал-Тилол» клуби устидан ғалаба қозонишганди. Шу боис мезбонлар «Насаф»га қарши ўйинда ҳам очко олиш умидида майдонга тушишди. Лекин «Насаф» футболчилари майдонда дадил ҳаракат қилишиб, ОФК кубоги «А» гуруҳида ва 20-миллий чемпионатимизда бежиз пешқадам эмаслигини амалда исботлашди.

Меҳмонларнинг кетма-кет ҳужумлари тўрт бор мезбонлар дарвозасини ишғол этиш билан якунланди. Тўпларни Юнусов, Тўраев, Мирхолдиршоев ва Переплеткинс киритди. Бу ғалабадан кейин «Насаф» клуби 9 очко тўплаган ҳолда ўз гуруҳида карвонбошилик мавқеини мустаҳкамлаб олди. Агар иккинчи даврада «Насаф» иккита ўйинни ўз майдонида ўтказишини ҳисобга олсак, қаршиликлар амалда навбатдаги босқич масаласини ҳал этишди.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида қуйидаги натижа қайд қилинди: «Ал-Тилол» (Яман) — «Ал-Ансор» (Ливан) — 1:4.

Кеча ОФК кубоги «В» гуруҳида иштирок этаётган Ғузорнинг «Шўртан» клуби 3-тур ўйинида Суриянинг «Ал-Иттиҳод» клуби билан дуранг ўйнади — 1:1.

Шу азиз Ватан — барчамизники!

# Ўзбекистон фарзандларимиз!

Қайси мамлакатда тинчлик-осудалик, унда истиқомат қилаётган миллатлар аҳил-иноқ бўлса, ўша жойда яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари бардавом бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром туфайлидир.



Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган турли миллатларнинг миллий маданият марказлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир халқнинг миллий байрамлари, маросимлари, қадриятлари шарафланади ва катта тантана қилинади. Жумладан, Шарқ халқларининг Наврўз байрами барча миллат вакиллари томонидан биргаликда нишонланади. Татар миллий маданият маркази томонидан ҳар йили май ойи сўнггида уюштириладиган татар миллий байрами — «Сабантўй» турли миллат ва элат вакилларининг иштирокида ўтказилади. Худди шундай Корейс миллий маданият маркази томонидан уюштириладиган «Янги йил», «Хансик», «Тано» ва «Чусок» номли миллий байрамларда ҳам жамоатчилик иштирок этади. Унда корейс халқининг миллий либослари, таомлари, қўшиқ-рақсларию бир-биридан ажойиб саҳна асарлари барчада катта қизиқиш уйғотади. Яҳудий миллатининг байрамлари «Пасха» ва «Рош-Ашана» ҳам тантана билан кутиб олинади.

Дўстона алоқалар борасида Немис миллий маданият марказининг ҳам ўз ўрни бор. Яқинда марказ ташаббуси билан тарих ва келажак ҳамоҳанглиги мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида Славян миллий маданият маркази ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Марказ томонидан мунтазам равишда «Саховат» қариялар ва ногиронлар уйида тез-тез концерт дастурлари ўтказиб турилади. Марказнинг раҳбари Сергей Фёдоров бир вақтнинг ўзида «Фантазия» рақс дастасини ҳам бошқариб келмоқда. Ўтган йиллар давомида бу даста томонидан жуда кўплаб рақслар саҳналаштирилди ва мухлислар эътиборини қозонди. Уларнинг Россия, Қозоғистон, Германия, Швеция, Бельгия, Хитой каби мамлакатлардаги гастроллари муваффақиятли ўтди.

«Фантазия» рақс дастаси томонидан театрлаштирилган дастурлар орасида «Ўзбек тўйи» ажралиб туради. Миллий анъаналарга асосланган ушбу ижодий иш «Фрёмер» фестивалида ғолиб деб топилди, Варна халқаро фестивалининг олтин медалига сазовор бўлди. Жамоада хизмат қилаётган ўзининг ноёб иқтидори билан кўзга ташланиб қолган истеъдод эгалари кўпчиликни ташкил қилади. Аниса Фёдорова, Шаҳноза Мусаева, Марина Ильина, Эвелина Протасова, Одилбек Орипов, Интизор Абдуллаева шулар жумласидандир. Эвелина Протасова эса Болгарияда бўлиб ўтган фестивалда «Фестиваль маликаси» деб топилди ва махсус диплом билан тақдирланди.

Славян миллий маданият марказининг тадбирларида, дўстлик учрашувларида, вилоятда ўтадиган Наврўз ёки Мустақиллик байрамларини саҳналаштиришда «Фантазия» алоҳида ўринни эгаллайди. 2005 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивалида «Фантазия» рақс дастаси совриндор бўлди. Икки йилдан буён эса Славян миллий маданият маркази «Тўйларимиз жилваси» дастури билан Гран-прига эгалик қилмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази ва вилоят миллий маданият марказлари ҳамкорлигида ўтказилган «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» мавзусида илмий-амалий семинар ҳамда «Ўзбекистон — ягона Ватан» номли тасвирий ва фотоасарлар кўргазмаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бу тадбирларда мустақиллик йилларида юртимизда шаклланган бағрикенглик муҳити, миллатлараро тотувлик хусусида фикрлар билдирилди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Жиноятга жазо муқаррар

# Товламачининг найранги

Бу «кўча»га кирганлар унинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усулларини ўйлаб топиб, айрим соддадил одамларни лақиллатишга устаси фаранг бўлиб кетар экан. Бахмаллик Отабек Шукруллаев шундайлар хилидан чиқиб қолди.

Йигирма беш ёшга тўлишига қарамасдан ҳеч жойда муқим ишламаган бу йигит ўтган йилнинг 30 сентябрь куни кўнглида туғилган ғаразли ниятни амалга ошириш учун Дўстлик туманига келади. Пахта йиғимтерими авж олган кунлар. У Галлаорол комьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчилари жойлашган «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги дала шийпонига бориб, ўқитувчи Л.Муҳаммадиевга учрашади ва ўзини вилоят ички ишлар бошқармасининг еттинчи бўлимида хизмат қилувчи, «Пахта — 2010» мавсумида Дўстлик туманига масъул этиб бириктирилган вакил, дея таништиради. Сўнг ҳашарчиларнинг шарт-шароитлари, терилган пахта учун бериладиган пулларнинг ўз вақтида тарқатилиши билан қизиқаётганини билдиради. Шу аснода аниқланадиган камчиликларни раҳбариятга маълум қилмаслик эвазига пул талаб қилади. Коллеж ўқитувчиси эса унга 25 минг сўм пулни беради.

«Омад»ининг юришганидан дадиллашган Отабек шу куни Галлаорол ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари жойлашган «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала шийпонига боради. Ўқитувчи А.Норқўзиев башанг кийинган, савлатли нотаниш йигитнинг «ички ишлар ходими» экани ва бу ерга текшириш учун келганини эшитиб, хиёл шошади. Кейин унча-мунча камчиликларни ошкор этмаслигини сўраб, 28 минг сўм пулни қўш-қўллаб тутқазганини ўзи билмай қолади.

Жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттирган товламачи кечга яқин бошқа бир манзил — «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала шийпонида ҳозир бўлади. Бу ерда у Галлаорол саноат касб-ҳунар коллежи директори А.Фозиловга рўбарў келади.

— Вилоят ички ишлар бошқармасининг еттинчи бўлимиданман, — дейди у тап тортмай. — Терилган пахта пулларининг тарқатилиши, ҳашарчиларнинг яшаш ва овқатланиш шароитлари билан танишиб юрибман...

У ҳаш-паш дегунча директорни ҳам лақиллатишнинг уддасидан чиқади. Натижада А.Фозиловдан ҳам 50 минг сўм олади.

Лекин товламачининг «фаолияти» узоққа чўзилмади. Унга Дўстлик туман ички ишлар бўлими ходимлари чек қўйишди...

Товламачи қилмишига яраша жазо олди, албатта. Аммо масаланинг бошқа жиҳати бор. Кимсан, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, ёшларимизга илму ҳунар ўргатадиган зиёли одамларнинг келиб-келиб бир товламачининг «тузоғи»га илиниб қолиши кишини ажаблантиради. Ўзини еттинчи бўлимданман, деб таништирган эгри кимсадан нега ҳеч ким шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўрамади? Нима сабабдан унинг гапига бир эмас, бир неча киши лаққа ишонди?



Ушбу жиноят иши билан танишиб, ҳар ким биринчи навбатда ўзига, ишига пишиқ-пухта бўлиши, ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши зарур деган фикрга келасан киши. Ахир, қонунни билган, унга амал қилган одам доғда қолмайди-да...

**Жавлон ЖАББОРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Дўстлик туман**
**судининг раиси.**

**Газетанинг навбатдаги сони 19 апрель, сешанба куни чиқади.**

# Ғамхўрлик ва эътибор

## жиззахлик тадбиркорларни янги марраларга руҳлантирмоқда

Буни Холисхон Бобоева раҳбарлик қилаётган «Жиззах Кўҳинур» хусусий фирмаси фаолияти мисолида ҳам кўрса бўлади. Дастлаб ишни қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаб сотишдан бошлаган тадбиркор кейинчалик ўз бизнесини кенгайтириб, шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида пиллани қайта ишлайдиган корхона очишга қарор қилдик. Мақсадимизни Республика «Тадбиркор аёллар» ассоциацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Натижада қисқа вақт ичида Жиззах шаҳридаги бўш ётган бинода йилига 300 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга фабрика барпо этдик.

Фабрика ишга тушгач, 200 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Улар ўтган йили вилоятда етиштирилган 600 тоннадан зиёд пилланинг бир қисмини қабул қилиб олиб, қайта ишлашга киришишди. Пишиқ қилиб чийратилган ипак калаваларнинг асосий қисми экспортга тайёрланмоқда. Шу билан бирга, цехларнинг бирида 30 нафар хотин-қиз атлас ва адрас тўқишни ҳам бошлаб юборди.

Бошқа бир тадбиркор — Мирзачўл туманидаги Тўлқин Ҳамроев раҳбарлик қилаётган «Сардор» фирмасига қарашли иссиқхонадаги ишлар ҳам кишини қувонтиради. Ўн киши ишлаётган иссиқхонада парвариш қилинаётган сабзавот ва сархил мевалар пишиб етилмоқда ва пешма-пеш териб олиниб, бозор расталарига чиқарилаяпти.

— Тадбиркорлик билан шуғулланганимга олти йил бўлди, — дейди Тўлқин. — Ҳамиша эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб келамиз. Бу одамга қанот бағишлайди. Насиб этса, келгусида фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришни, яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлардан ўринли фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очишни, кўпроқ бозорбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

**ОБ-ҲАВО** 14-15.04. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 28°C | 30°C |
| Самарқанд | 27°C | 32°C |
| Нукус | 25°C | 30°C |
| Қарши | 27°C | 32°C |
| Урганч | 25°C | 30°C |
| Навоий | 27°C | 32°C |
| Фарғона | 23°C | 28°C |
| Бухоро | 27°C | 32°C |
| Андижон | 23°C | 28°C |
| Наманган | 23°C | 28°C |
| Термиз | 27°C | 32°C |
| Жиззах | 27°C | 32°C |
| Гулистон | 27°C | 32°C |
| Тошкент вил. | 27°C | 32°C |
| Лондон | 8°C | 7°C |
| Париж | 10°C | 6°C |
| Москва | 0C | 0°C |
| Мадрид | 10°C | 10°C |
| Пекин | 10°C | 11°C |
| Гонгконг | 20°C | 20C |
| Рим | 8°C | 11°C |
| Анқара | -2°C | 2°C |
| Токио | 7°C | 8°C |
| Стокгольм | 3°C | 3°C |
| Кейптаун | 16°C | 15°C |
| Қоҳира | 9°C | 9°C |
| Гавана | 21°C | 22°C |
| Вашингтон | 16°C | 17°C |

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449
18968 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O`zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 01.20
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5